

Д49  
Кнч1-2с.

Зафар Диёр

# ҚАНОТЛИ ДҮСТЛАР

1959  
6951  
1959/6752

ЎЗАД АБИЙНАШР



Куртакларин тугдилар  
Бодом,  
Ўрик,  
Олмалар.



Ҳай, қушлар,  
қушлар,  
қушлар,  
Қанот қоқиб келингиз.  
Бизга ортиқ ёқади  
Қувноқ қўшиқ-қуйингиз!  
Тиниқ сувлар оқади,  
Қуёш кулиб  
боқади.  
Бизнинг қувноқ  
болалар  
Гунафшалар тақади.

Осмон тиниқ — очилган,  
Севинч бағишлар баҳор;



Гуллар ҳиди сочилган,  
Сувлар шилдираб оқар.

Ҳай, қушлар,  
қушлар,  
қушлар,

Қанот қоқиб келинглар.

Саъва,

Майна,

Булбуллар,

Сизга телмурар кўзлар.

Дарахтларнинг шохига

Уячалар ясаймиз.



Ўртоқ бўлиб сиз билан  
Бирга сайраб, яшаймиз.  
Сизни жону дил билан  
Икки кўзлаб кутамиз,  
Рогаткалар ўрнига  
Гул-чечаклар тутамиз.  
Ҳай, қушлар,  
қушлар,  
қушлар,  
Тезроқ учиб келингиз.  
Бизга ортиқ ёқади  
Қувноқ қўшиқ-қуйингиз!



## ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

Баҳор чоғи... боғчамда  
Турли гуллар кулганди,  
Атроф унинг ёқимли  
Ҳидларига тўлганди.

Боларини кўрганда  
Жовдирарди кўзларим,  
Учар эди теграмда  
Бир қанча қуш дўстларим.






Саъва, булбул, майналар  
Учиб недир излайди,  
Чақчақлашиб сайрашиб  
Ин куришни кўзлайди.

Она-чумчук ўрикда  
У ҳам тинчиб ётарди,  
Тухумлари бағрида,  
Шу ҳолда тонг отарди...


Чумчуқчалар тез кунда  
Тухум ёриб чиқишди,  
Чурқ-чурқ қилиб бизларни  
Жуда хурсанд этишди...





Ота-она уларни  
Беш-олти кун боқдилар,  
Ўтиб „темир қанот“дан  
Сўнгра қанот қоқдилар.

Қараб турсам дарахтдан —  
Ерга тез-тез тушишар,  
Таълим олиб онадан  
Сакраб-сакраб учишар.  
Қанотларин силкитиб  
Донлашларин кўрсангиз,  
Иноқ бўлиб,  
Не дея  
Сайрашларин сўрсангиз!...




Улар энди учирма,  
Боғ устида — ўйинда,  
Баъзан кўриб қоламан  
Боғчамда — сув бўйида!..  
Тумшуқларин атрофи  
Сариққина, томоша.  
Якка қолсам шуларда  
Бўлажакман ҳамиша.

Мен уларга ҳар куни  
Уч маҳал дон сепаман.  
Чурқ-чурқ қилиб чиқарган  
Товушларин севаман!..

Менга яқин дўст эрур  
Бу қанотли ўртоқлар,  
Шулар ила жонланур  
Бизнинг чаман гулбоғлар.



The illustration depicts a flock of birds, likely cranes or herons, in flight against a pale, hazy sky. The birds are shown in various stages of flight, with wings spread wide. Below them, a landscape is visible, featuring a row of tall, dark, slender trees and several buildings with orange roofs. The overall style is that of a traditional watercolor or gouache painting.

## ЛАЙЛАК

Лайлак келди, ёз бўлди,  
Қаноти қоғоз бўлди.

Нурга чўмиб атрофлар,  
Оҳ, қандайин соз бўлди.

Қаранг, буни ўртоқлар,  
Чаман бўлган ўтлоқлар.  
Бизни кўпдан кутмоқда,  
Қани юринг, гулбоғлар.



Далаларда ўйнаймиз,  
Шод кўшиқлар куйлаймиз.  
Ёстанишиб қирларда  
Бахт ҳақида куйлаймиз.

Қушлар бизни кутади,  
Дўстлар гуллар тутади.  
Бу бахтиёр ёшликнинг  
Ёзи шундай ўтади.

Юринг дўстлар, боғларга  
Арчзорлар, тоғларга.  
Жўр бўлайлик бизлар ҳам,  
Лайлақлар, ўртоқларга.

— Лайлакхон, Лайлакхон,  
Бўйнингдадир оқ маржон,  
Маржонингдан ташлаб кет,  
Тақиб олсин қизларжон!”



## ҚАЛДИРҒОЧ

I

Қалдирғоч, ғоч-ғоч,  
Эшигинғни оч-оч,  
Эшигинғни очмасанғ,  
Менга кулиб боқмасанғ,  
Туйнугинғдан кираман,  
Адабинғни бераман,  
Йўқ, бу ҳазил, қалдирғоч,  
Эшигинғни тезроқ оч,  
Мени ёт деб ўйлама,  
Ё овчи деб сўйлама,  
Мендир сенинғ ўртоғинғ,  
Боғчам—сенинғ гулбоғинғ.  
Келдим сени кўргали,  
Ҳол-аҳволинг сўргали,  
Ҳой қалдирғоч, жон ўртоқ,  
Эшигинғни оч тезроқ.



II  
Ўртоқчилик ҳурмати,  
Бўлиб қушлар улфати,  
Чаман-чаман боғлардан,  
Адирлардан, тоғлардан,



Гул келтирдим уйингга,  
Муштоқ бўлиб куйингга.  
Фақат гул эмас мана,  
Анча совғалар яна.  
Халтачада тўлиқ дон,  
Мана оппоқ, ширин нон.  
Мева-чева ҳам дерсан,  
Асал-новвот ҳам ерсан.  
Сўйла каму кўстингни,  
Шод эгаман дўстимни.  
Дўстлигимни оқлайман,  
Сенга ҳурмат сақлайман.



РДБ УЎСССР  
28136

17

1959  
Ўзбекистон Республикаси  
6752




III

Кошоналик уй сенга,  
Ширин, завқли куй — менга.  
Шундай бўлгач оғайни  
Сенга тегмайман, майли,  
Бу йил бизга меҳмонсан,  
Куз келгунча кетмайсан.  
Ҳозирладим сенга уй,  
Марҳамат қил, тухум қўй.  
Бола очгил бемалол,  
Сенга ҳеч ким тегмагай.



L33624

A watercolor illustration of a landscape. In the foreground, there is a field with small white flowers and green grass. In the middle ground, there are several trees with green foliage. In the background, there are more trees and a light sky with several birds flying. The overall style is soft and painterly.

Сени сақлай илондан,  
Ҳам заҳарли чиёндан,  
Чанг сололмас бургут ҳам,  
Сизга бўлсин гулбоғлар,  
Ҳай қалдирғоч, ўртоқлар!  
Парвоз қилиб, яйрангиз,  
Яхши-яхши сайрангиз.  
Сайрасангиз осмонда  
Бизлар бўлиб шод-ханда —  
Қутлаймиз сиз — қушларни.  
Қаноти кумушларни.

Бисмилла

24-20/199

92 - 28 I

1 с. 75 т.

КИЧИК ЕШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

*На узбекском языке*

ЗАФАР ДИЯР

КРЫЛАТЪЕ ДРУЗЬЯ

*(стихи)*

*Гослитиздат УзССР — 1958 — Ташкент*

К. Чепраков-расмлари

Редактор П. Мухаммадєрова. Расмон редактор Г. П. Бєдарєв.  
Техн. редактор Я. Б. Пинхасов. Корректор С. Мўллошєва.

Босмахонага берилди 31. 1. 1957 й. Босишга рухсат этилди 14 УИИ 1958 й.  
Формати 60X92/4 — 2,5 босма л. 2,5 шартли босма л. Намр. л. 2,5 Тира-  
жи 30000. Индекс: 61а. УзССР Давлат бодина алабийет нашриєти Ташкент,  
Навоий кўчаси 30. Шартнома № 651-51.

УзССР Мазлияят министрлиги Узгалавиздатнинг 4-типолитографияси.  
Ташкент, Полиграф кўчаси, 74. 1958. Заказ № 231. Баҳоси 1 с. 75 т.

## ҚУШЛАР ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Ҳай, қушлар,  
қушлар,  
қушлар,

Қанот қоқиб келинглр.

Саъва,  
Майна,

Булбуллар,

Сизга телмурар кўзлар.

Қорли,

Совуқ

Қиш куни

Кўролмадик биз сизни,

Ортиқ соғинтирдингиз

Майна,

Булбуллар бизни.

Мана бизнинг томонда

Баҳор,

Кўкат,

Майсалар.

РАБ УЎСР  
28130

